

Ироқлик 90 ёшли аёл Қуръони каримни ёд олди



17:07 / 08.02.2019 1872

Ироқ жанубидаги Басра вилоятида истиқомат қилувчи Ҳамдия Жааз Муса хоним 90 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, ҳофизи Каломуллоҳ бўлди, деб хабар беради IQNA. “КАФ” ахборот агентлигининг маълум қилишича, Ҳамдия хоним Басранинг ал-Модинат шаҳрида 1929 йилда дунёга келган. Қуръони каримни улуғ ёшларда ёд олиш бўйича ўзига яраша рекорд ўрнатган Ҳадия хоним ОАВга берган интервьюсида, инсон ёши бу фақатгина рақамлардан иборат эканини айтиб ўтган. Ҳамдия хоним Ироқ бўйлаб давом этаётган “Мингта ҳофизи Қуръонни тайёрлаш” лойиҳасининг самарасидир. Маълум бўлишича, Ҳамдия хоним ёши улуғ бўлишига қарамай Қуръони карим курсларига мунтазам қатнашган ва топшириқларни ўз муддатида бажаришга улгурган. Мазкур лойиҳа доирасида ҳозирда Ироқнинг ўзида 4600 нафар эркак ва аёл Қуръони каримни ёд олиш курсларига қатнашмоқда.

